



ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 26 (11.587)

Баҳоси эркин нарҳда

Чет эл ижтимоий-сиёсий арбоблари, академик ва эксперт гуруҳлари вакиллари орасида, оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишидаги маърузасига муносабат ва шарҳлар давом этмоқда.


ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЪРУЗАСИ — ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТДИР

Хусусан, Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловларида халқро кузатувчи сифатида иштирок этган **Малайзия Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Ван Ахмад Ван Умар** маърузанинг Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тараққиётига тегишли қисмига эътибор қаратди. Жумладан у мамлакат ҳукумати томонидан олиб борилган иқтисодий сиёсат ва 2009 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,1 фоиз ўсишига хизмат қилган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурининг муваффақиятли амалга оширилганини юқори баҳолади. «Хукумат томонидан юриштиланган пухта сиёсатнинг самараси ўлароқ, мамлакатни моҳирона бошқариш, айниқса ривожланган давлатлар иқтисодиёти инқирозни бошдан кечираётган бир пайтда, миллий иқтисодиётни юксалтиришда ижобий натижаларнинг кўлга киритилгани, Ўзбекистон танлаган ва одимлаётган йўлнинг тўғрилиги ҳамда ишончилигидан далолатдир», дея таъкидлади у.

Малайзия Сайлов комиссияси раисининг ўринбосари шунингдек Ўзбекистонда бўлиб ўтган парламент сайловлари ҳақидаги фикрлари билан ҳам ўртоқлашди. Унинг сўзларига кўра, электоратнинг сайловда фаол иштирок этиши овоз берувчиларнинг юксак сиёсий маданиятини намоян қилди, бундан ташқари, парламент қонунчилик палатасида депутатларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати 15 та ўрин ажратилишининг қонун билан белгилаб қўйилиши улкан аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Хунармандчилик

ЁҒОЧГА ЖОЗИБА БАХШ ЭТИБ

«Хунарманд» уюшмаси қошидаги устахонада кўплаб ўз касбининг усталари шоғирдларга сабоқ бермоқда. Ўз хунари билан элга танилаётган уста Шерзод Қодирқулов ҳам ана шундай хунари гўзаллар сирасига кирди. Болалигида хунарга меҳр қўйган Шерзод ўрта мактабни тугатгач, миллий хунармандчилигининг ёғоч ўймакорлиги йўналиши бўйича устозлардан сабоқ олди, касбининг сир-асрорларини мукамал эгаллашга интилди. Айниқса, устози Тоир Файзуллаевнинг йўл-йўриқлари, ўғитлари асосида иш юритган Шерзод моҳир устанинг маслаҳатларига амал қилди, ҳаракатларини синчковлик билан қузатди. Натижада у ҳам аввалгиси устози билан, кейинчалик эса мустақил равишда маҳаллий хом ашё — ёғочдан фойдаланган ҳолда ажойиб буюмлар яратди.

— Аввало хунар ўрганмоқчи бўлган одамда унга меҳр, интилиш,

ишлаш жараёнида эса сабр-тоқат керак, — дейди Шерзод Қодирқулов. — Мендаги қизиқишни тўғри йўналиштириб, хунарга катта меҳр уйғотган, қўлимга асбоб тутиб, унинг сир-асрорларини эринмай ўргатган устозларимдан миннатдорман. Хозирги пайтда ўзим ҳам икки нафар шоғирд тайёрляпман. Келгусида кўплаб ёшларга хунар сирларини ўргатиш ниятим бор. Бунинг учун эса ёшларнинг ўзида ҳам қизиқиш бўлиши керак. Президентимиз, ҳукуматимиз мустақиллик йилларида биз хунармандларга катта имкониятлар яратди, имтиёزلардан унумли фойдаланялик билан қузатди. Натижада у ҳам аввалгиси устози билан, кейинчалик эса мустақил равишда маҳаллий хом ашё — ёғочдан фойдаланган ҳолда ажойиб буюмлар яратди.

— Аввало хунар ўрганмоқчи бўлган одамда унга меҳр, интилиш,

Халқ амалий хунармандчилиги йўналишлари орасида ёғоч ўймакорлигининг алоҳида ўрни бўлиб, бугунги кунда кўплаб ёш, иқтидорли усталаримиз ота-боболарининг мазкур хунарларини ижодий давом эттириб, бойитиб келишмоқда.



римиш. Ота-боболаримиз, аждодларимиз меросини авайлаб давом эттириб, келгуси авлодларга етказиш бизнинг бурчимиздир.

Шерзод Қодирқулов ўз ишлари билан мамлакатимизда ўтказилган кўплаб кўргазмалар, кўрик-танловларда қатнашиб келмоқда. У тайёрлаган турли хил безакли ёғоч ўймакорлиги маҳсулотларига буюртмалар ортиб бормоқда. Айни кунларда уста ана шу буюртмаларни муваффақиятли урдалаш саъй-ҳаракатида ёғочга жозоба бахш этмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: Шерзод Қодирқулов иш устида; хунарманд яратган санъат асарлари.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

АДАБИЁТ ҲАФТАЛИГИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Ёшлар ахборот-ресурс марказида «Буюк шоир даҳосига эҳтиром» мавзуда адабиёт ҳафталиги бошланади.

Улуг мутафаккир таваллудининг 569 йиллигига бағишланган мазкур ҳафталикда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, ўқитувчилар, маънавий тарғиботчилари ва талаба-ёшлар фаол иштирок этамоқда.

(Давоми 3-бетда).

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» V МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоян этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгица ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.



3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2009 йилнинг 31 мартдан 2010 йилнинг 31 мартигача — бир йил давомида газета ва журналларда босилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2010 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

Танлов голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:

Журналистика соҳасида бош миллий мукофот. Голиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:

- Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1, 2, 3-ўринлар);
- Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1, 2, 3-ўринлар);
- Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (даврий матбуот — 1, 2, 3-ўринлар);
- Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (Интернет-журналистика — 1, 2, 3-ўринлар).

Биринчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 160

баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Учинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуэткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

- журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;
- фаол фуқаролик позицияси учун;
- ижтимоий-сиёсий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- ижтимоий-иқтисодий мавзудаги энг яхши таҳлилий материал учун;
- «Баркамол авлод йили»га бағишланган энг яхши материал учун;
- маънавий-маърифий мавзудаги энг яхши материал учун;
- ҳарбий-ватанпарварлик мавзудаги энг яхши материал учун;
- энг яхши журналистик текширув учун;
- мураккаб шароитларда (фавқулодда вазиятлар, атроф-муҳит ва экология муаммолари) тайёрланган энг яхши

репортаж учун;

- энг яхши режиссёрлик иши учун;
 - энг яхши матбуот хизмати;
 - энг яхши фоторепортаж учун;
 - энг яхши карикатура учун;
 - чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материали учун.
- Рағбатлантирувчи номинациялар бўйича голиблар диплом, статуэтка ва энг кам иш ҳақининг 80 баробари миқдорда пул мукофоти билан тақдирланадилар.
- Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).

Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Радиозастиришлар (аудиокассета ёки системали диск) 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак.

Матбуот ва интернет материаллари даврий нашрнинг асл нусхаси ёки кўчирма нусхасида тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилинади:

- муаллифнинг исми-шарифи, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
- муаллифнинг турар жойи, уй ва иш телефонлари;
- паспорт нусхаси.

Танлов голибларини мукофотлаш маросими Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини — 2010 йил 3 майда тантанали равишда ўтказилади.

Мукофот бир шахсга тақдоран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилиши лозим:

Ўзбекистон Республикаси, 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
3-кават, 30, 35, 37-хоналар
Телефонлар: 244-64-61; 244-64-62; 244-37-87.
www.Journalist.uz

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузурдаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистика соҳасида «Олтин қалам» V Миллий мукофоти учун халқаро танловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита йиғилиши ўтказилди.

• Тошкентда тадбиркорлар ва бизнес соҳасида фаолият кўрсатувчиларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадини кўзда тутиган «PROMZONA.UZ» маълумотнома порталнинг ташкил этилишига бағишланган матбуот конференцияси уюштирилди. Ушбу лойиҳани амалга оширишдан мақсад кичик корхоналар ва хусусий бизнес вакилларига воситачиларни четлаб ўтган ҳолда буюртмачилар ва ишлаб чиқарувчилар билан алоқаларни йўлга қўйишда ахборот кўмагини беришдир.

• Бухоро туманидаги Дехча кишлоғида гилам ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги «Бухорокарпет» корхонаси фойдаланишга топширилди. Турон банкнинг вилоят филиали томонидан ажратилган 700 миллион сўмлик кредит ҳисобига замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган корхонанинг лойиҳа қуввати бир йилда 500 минг квадрат метр маҳсулот ишлаб чиқаришга имкон беради.

• «Камолот» ЁИХ Қашқадарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган интеллектуал ўйин «Зукку етакчи» деб номланди. Вилоят ёшлар марказида ўтказилган тадбир «Камолот» ЁИХ кўйи бўғинларида фаолият юритаётган ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини бойитишга қаратилди.

• Каттақўрғон туманида жойлашган «Пардоз» маъсулияти чекланган жамияти томонидан туманининг олис ҳудудларидаги иккита умумтаълим мактабига тўла таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, мактаблар фойдаланишга топширилди.

• «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими Бухоро шаҳридаги 123-махсус мактаб-интернатда хайрия тадбирини ўтказди. Тадбир давомида мазкур таълим даргоҳига 6 та компьютер, 8 та тикув машинаси ҳамда дурадгорлик устахонаси учун 10 турдаги зарурий жиҳозлар ҳадя этилди. Заиф эшитувчиларга эшитиш мосламалари ҳам топширилди. Бу мақсадлар учун 20 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Украинада президент сайловининг иккинчи тури бўлиб ўтди. Мамлакат марказий сайлов комиссиясининг маълумотига кўра дастлабки ҳисоб-китобларга мувофиқ сайловда аҳолининг 69,07 фоизи қатнашганлиги ойдинлашди.

• Венесуэла ҳукумати мамлакат пойтахти Каракас шаҳрининг тарихий марказидаги бир неча хусусий биноларни давлат ихтиёрига ўтказишга қарор қилди.

• Гаитида январь ойида содир бўлган зилзила қурбонлари сони 212 минг кишига етди. Бу ҳақда мамлакат бош вазир расмий ахборот берди. Жаҳон ҳамжамиятини ларзага солган мазкур табиий офат оқибатида 3 миллион киши жароҳатланган, 250 мингта бино вайронага айланган. Мутахассислар Гаитини тиклашга тахминан 25 йил кетишини айтишмоқда. БМТ ушбу мамлакат аҳолисига моддий ёрдам тариқасида 562 миллион АҚШ доллари ажратган.

• Афғонистон Мудофаа вазирлиги афғон миллий армияси таркибини аёллар ҳисобига кенгайтиришни режалаштирмоқда. Вазирлик вакилининг маълумотига кўра келгусида ҳарбий аёллар сони шахсий таркибининг 10 фоизини ташкил этади.

• Эронда АҚШга жосуслик қилганликда гумон билан етти киши ҳибсга олинди.

• G 7 ташкилотига аъзо мамлакатлар молия вазирлари Грециядан давлат бюджетини тартибга солиши лозимлигини талаб қилишди.

• Лондондаги «Кристи» кимошди савдо уйи 22 апрелда экологик аукцион ташкил этишини билдирди. Ушбу хайрия тадбиридан тушган маблағ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилотлари ҳисоб рақамига ўтказиб берилади. Кимошди савдосига бир неча таниқли расмоларнинг асарлари қўйилиши режалаштирилмоқда.

• Европанинг самолёт ишлаб чиқарувчи Airbus концерни 2009 йил якуни бўйича ўзининг асосий рақибни — АҚШнинг Boeing компаниясини орта қолдирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ўтган йилда Airbus 498 та, Boeing эса 481 та самолёт ишлаб чиқарган. Шундай бўлсада, мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳамон Boeing 737 энг оммавий самолёт бўлиб турибди. Ўтган йили ушбу русумдаги самолётга 372 та буюртма тушган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

АСЕАН Малайзия юридик ассоциациясининг фахрий котиби С.Раҳақришаннинг фикрича, Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида иштирок этиши ва маъруза қилиши депутатларнинг ташаббускорлигини оширади, кўнун ижодкорлиги борасидаги фаолияти самарадорлигини юксалтиради, ижтимоий-иқтисодий масалалар муҳокама-сида, уларни ҳал этиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга тadbриқ этишда, мамлакат тинчлиги ҳамда барқарорлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшишида, Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакатда демократияни янада мустаҳкамлаш, иқтисодиётни либераллаштириш, халқ фаровонлигини оширишга содиқлигини тасдиқловчи демократик ва бозор ислохотларини чуқурлаштиришда очиқлик ва амалийликни таъминлайди.

Куала-Лумпур шаҳри ҳокими Аҳмад Фуад бин Исмомил Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузасининг асосий мазмуни ҳақида гапирар экан, глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори суръатини кўрсатувчи иқтисодий тараққиётнинг юксак натижаларига эришилганини таъкидлади.

«Мамлакатда тadbиркорлик, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш учун қўлай муҳит яратилган, шу билан бирга, Ўзбекистон акциялиб инвестиция салохиятига эга. Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ҳорижий сармоядорлар учун яратилган қўлай инвестиция муҳити ва имтиёзлар уларнинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ҳамкорлик қилишга қизиқишларини орттирмакда», деди у.

Араб университетлари уюшмаси бош котиби Солиҳ Хошим (Миср) Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузаси кенг дастурий ҳужжат бўлиб, у шубҳасиз, мамлакатнинг янада ривожланиши ва гуллаб-яшнашини таъминлайди, деб ҳисоблайди. У «Президент маърузасида Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатининг алоҳида ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилгани жуда муҳим далил саналади», дея таъкидлади.

Афгон муаммосини тартибга солиш борасидаги Ўзбекистоннинг қарашлари ҳақида сўз юритиб, С.Хошим яқинда Лондонда Афғонистон бўйича бўлиб ўтган анжуман натижалари Ўзбекистон Президентининг ушбу масалани фақат харбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслиги ҳақидаги нукта назарининг тўғри эканлигини яна бир бор исбот қилганини қайд этди. У шунингдек, бугунги кунда афгон муаммосини бартараф этиш бўйича Ўзбекистоннинг ёндашуви араб-

мусулмон дунёсида тобора кенгрок қўллаб-қувватланаётганидан мамнун эканини билдирди.

Ўз навбатида Мисрнинг Инсон ҳуқуқлари жамияти раиси Абдулфаттоҳ Ҳамид Президент Ислам Каримов маърузасида Ўзбекистоннинг демократия ва инсон ҳуқуқлари тоғийликлари содиқлиги ўз тасдиғини тоғийлини таъкидлади. Шу ўринда у сўнгги йилларда Ўзбекистонда жиноий жазо тизимини янада либераллаштириш борасида амалга оширилган чора-тadbирлар, хусусан, мамлакатда ўлим жазосининг бекор қилингани юқори баҳолади. У жамиятда демократик ислохотлар ва матбуотни ривожлантириш бўйича Ўзбеки-

кучли жамият қуриш йўлидан оғишмаслигини яна бир бор исботлашини таъкидлади. «Тинчлик ва хотиржамлик, ижтимоий жипслик ҳўкм сурадиған ва мамлакатнинг янада гуллаб-яшнаши ҳамда тараққиёт этиши йўлида халқ оммавий равишда саъй-харакатлар олиб борадиған ўлка — Ўзбекистонда фаолият юрттаған даврларимни илиқ хотиралар билан эслайман. Буларнинг барчаси Ўзбекистон раҳбариятининг бошиданок мамлакатда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни сақлаш, шунингдек, этник гуруҳлар ва конфессияларга дахлдор вазифаларни ўз вақтида ечиш борасидаги ёндашувининг тўғри эканига ёркин мисолдир», деди у.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАЪРУЗАСИ — ДАСТУРИЙ ҲУҲЖАТДИР

стонда оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш жараёнилари босқич-ма-босқич, изчил, тизимли ва тadbрижий равишда амалга оширилаётганига алоҳида ургу берди.

«Покистон мусулмонлари лигаси» партияси етакчиси Чаудри Шужоат Ҳусайн ва ушбу партия бош котиби Сайд Мушоҳидлар Президент Ислам Каримовнинг минтақавий барқарорлик ва хавфсизлик масаласи ҳақидаги фикрларига алоҳида эътибор қаратишди. Таъкидландики, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Афғонистон борасидаги ёндашуви ўзининг мантқиқлиги, амалийлиги ва Афғонистондаги тарихий ҳамда бугунги кунда мавжуд бўлган ҳолатнинг тўғри баҳоланганига асослангани билан ажралиб туради.

Покистон Сенатининг сановат масалалари қўмитаси раиси, сенатор Гауе Бахш Махер, «Охири 20 йил давомида Ўзбекистон Афғонистон ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кўприклар ва темир йўллари қурилиши, электр энергияси етказиб бериш борасида амалий ёрдам кўрсатмакдаки, бу афгон аҳолиси учун ҳаётий зарур шароитларни яхшилашга ҳўшлайётган жиддий улуш бўлмакда», дея қайд этди.

БМТнинг Покистондаги ваколатхонаси раҳбари Фикрет Акчура Президент Ислам Каримов маърузасида ўз аксини топган мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш борасидаги интилишлар Ўзбекистоннинг

Россия Сиёсий конъюктура марказининг ташқи сиёсат бўйича етакчи эксперти Евгений Войконинг фикрича, Ўзбекистон янги сиёсий мавсумга чиқди ва мамлакат Президентининг маърузаси бу — бир вақтнинг ўзида Қонунчилик палатасининг олдинги таркиби фаолиятининг яқунлари бўйича хулосалар чиқариш ва унинг янгиланган таркибига муваффақият тилаш ҳамдир. «Депутатлар фаолиятига танқидий назар билан қаралиши Қонунчилик палатасининг янги таркибига масалага ўз мажбуриятини англаган ҳолда ёндашиши, ўзидан олдин ушбу вазифани бажарганларнинг фақат эришган натижаларигагина эмас, хатоларига ҳам эътибор қаратишга имкон беради. Айнан депутатлар фаолиятидаги мавжуд бўшлиқларни тўлдирish мамлакат олдидаги жамият ҳаётининг барча тармоқларини модернизация қилиш ва Ўзбекистонда фуқаролик-ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасидаги вазифаларни тизимли тарзда ҳал этишга хизмат қилади», деди Е.Войко. — Шунингдек, Ислам Каримовнинг ҳуқуқий нигилизмдан қочиш ва қонунни жорий қилиш тажрибасининг самарадорлигини ошириш зарурлигига оид фикрини эътиборга молик деб ҳисоблайман. «Қонун» тушунчасининг ўзини тeран англаб етмасдан, унга тизимли равишда ёндашмасдан туриб, фуқаролик жамияти пойдевори га қурилган, жадал суръатларда ривожланаётган замонавий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу боис ҳуқуқий

масаланинг долзарблашуви — халқ томонидан сайланган вакилларни мамлакатнинг келгуси тараққиёти сари ундовчи муҳим давъатдир».

У шунингдек, модернизация хусусида тўхталиб, мамлакатнинг барча ҳўқимият органлари фаолиятининг самарадорлигини муҳолағасиз ақс эттирувчи, иқтисодий аҳамиятга молик масалани эътибордан четда қолдирмаслик кераклигини айтиди. Янги сайланган депутатлар олдида аввалги депутатларга қараганда анча мураккаб вазифалар турибди. Бу Ўзбекистоннинг инқироздан кейинги иқтисодий тараққиётини белгилаш ва глобал институтлар фаолияти негизларини қайта қўриб чиқishга асосланиб, умумжаҳон сиёсий-иқтисодий жараёнларига фаол қўшилгани билан изоҳланади.

Шу маънода россиялик эксперт «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини камайтириш бўйича Ўзбекистоннинг тажрибаси балки мамлакатнинг ташқи сиёсий ҳамкорлари учун ҳам фойдалидир, зотан, маърузада келтирилган макроиқтисодий кўрсаткичлар мамлакат Инқирозга қарши чоралар дастурининг салохияти юқори эканлигига очиқ-ойдин гувоҳлик бериб турибди», дея таъкидлади.

«Независимая газета» (Россия) нашри шарҳловчиси Виктория Панфилова ҳам Президент Ислам Каримов маърузасининг асосий моҳияти ҳақидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашди:

— Мен Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасини диққат билан ўқиб чиқдим. Қўшни Афғонистондаги муаммо ҳақида сўз юритар экан, Ўзбекистон Президенти «қўшни мамлакат ҳудудида мана шундай кескинлик сақланиб тураётган экан, албатта, минтақавийда тинчлик-барқарорликка нисбатан таҳдид ҳам сақланиб қолаверади», дея таъкидлади. Буни олдиндан тўғри англаган ҳолда, Ўзбекистон раҳбарияти кўп йиллар давомида энг нуфузли халқаро минбарлардан туриб ушбу зиддиятни бартараф этиш бўйича амалий тақлифларини илгари сурди. Бугун мазкур мамлакатдаги вазиятни тартибга солиш бўйича ёндашуви тубдан ўзгартириш зарурати аён бўлмакда. Шу маънода, кўпмиллатли афгон халқининг миллий урф-одатлари ва диний қадриятларининг топталмаслигини таъминлаш жуда муҳимдир. Илгари ҳам Президент Ислам Каримов Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш лозимлиги ҳақида гапириб, афгон муаммосини фақат харбий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бу муаммо комплекс ёндашуви тақозо этади, деб айтган эди.

«Жаҳон» АА

2010 йил — Баркамол авлод йили

МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, Ватанимизнинг обрў-эътибори ва равнақи, эл-юрт фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларни миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасида бўлган йиғилишда давлатимиз раҳбарининг маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Уюшма раиси И.Латипов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Ў.Жўраев, «Нуроний» жамғармаси раиси Э.Боқибоев ва бошқалар юртимизда ёшлар камолоти ҳақида гамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, маънавий ҳаётимиз, миллий онг ва қадриятларимиз, эътиқод ва тафаккуримиз, урф-одат ҳамда анъаналаримизни асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса ёш авлод маънавий дунёсини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ибратли ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Барчамиз учун энг улуг ва энг азиз незмат — мустақиллигимизнинг мазмун-моҳиятини, ўтган йилларда халқимиз қўлга киритган улкан ютуқларни, барча жаҳонлардаги ислохотларнинг аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёшларни эзгу фазилатлар руҳида тарбиялаш, улар қалбида Ватанимиз тарихига ҳурмат, истиқлол гоғларига садоқат, юртга муҳаббат туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш долзарб аҳамиятга эга. Бу борадаги вазифаларни амалга оширишга «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳам ўз ҳиссасини қўшмакда. Ёшлар қалбига Ватан тақдири учун дахлдорлик, фидойилик туйғуларини сингдириш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, жамиятимизда меҳр-

оқибат, бағрикенглик, тотувлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи плакатлар, постерлар, тасвирий воситалар, паннолар тайёрланиб, шаҳар, қишлоқ ва туманларни безашга алоҳида эътибор қаратилмакда.

Бир қатор вазирликлар, идора ва муассасалар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий-мафқуравий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган маданий-маърифий тadbирлар, фестиваллар, ижтимоий лойиҳалар, кўрик-танловлар, бадий кўргазмалар ташкил этилаётир. «Энг улуг, энг азиз!», «Конституция — бахтимиз пойдевори», «Президент асарлари билмидони» каби кўрик-танловлар, маърифий анжуманлар шулар жумласидандир. Айни пайтда «Ёшлар диний экстремизмга қарши», «Маҳалланг тинч — юртинг тинч» каби мавзулардаги туркум плакатлар йиғит-қизларни миллий маънавиятимиз учун ёт, зарарли гоғлар таъсиридан ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда «Тасвирий ойна» ижодий уюшмасининг давлатимиз раҳбарининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарориди ўз ифодасини топган ёшларнинг ижодий-интеллектуал салохиятини юзага чиқариш учун яқиндан кўмаклашиш, истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасидаги долзарб вазифалари белгилаб олинди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА МУҲБИРИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар самарасида замон талабларига жавоб берадиган тезкор ва илҳам, замонавий курол-яроғ ва техника билан таъминланган миллий армиямиз барпо этилди.



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ИШОНЧНИ ОҚЛАШ — ЮКСАК ШАРАФ

Қуролли Кучларимизнинг жанговар салохиятини кўнчайтириш, харбийларимизнинг профессионал малакасини ошириш, харбий хизматчиларни хар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий ва маънавий эътиёжларини тўла қондиришга алоҳида эътибор қаратилмакда.

Муддатли харбий хизматни ўташ шарт-шароитлари тақомиллаштирилиши муносабати билан армияга қақирувни йилда бир марта — февраль-март ойлариди амалга ошириш тизимини яратилди, мудофаа бўлиmlарини ва қақирув пунктларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Харбий хизматни ўташ учун отланаётган ёшларнинг соғлиги, жисмоний тайёргарлиги билан бирга маънавияти, интеллектуал салохияти, ахборот-коммунотер технологияларига асосланган таълимнинг замонавий услуби ва шаклларини ўзлаштира олиш қобилияти ҳам қўриқдан ўтказилиб, уларнинг энг муносиблари бир неча босқичдан иборат танлов орқали саралаб олинмакда.

Бу, ўз навбатида, миллий армиямиз сафларини хар томонлама етуқ, фаол ҳаётий позицияга эга, Ватан ҳимоясидек шарафли ишга муносиб кадрлар билан тўлдирishi, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, улар онг шуруида ватанпарварлик, мардлик ва жасорат туйғуларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётир. Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 19 январь-

да қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари» фуқароларни навбатдаги қақирув ҳамда муддатли харбий хизматининг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган харбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ пойтахтимизнинг Бектемир тумани мудофаа бўлиmlида ҳам туман ҳўқимлиги, тиббиёт бирлашмаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши билан ҳамкорликда фуқароларни муддатли харбий хизматга қақирishi ишларига пухта тайёргарлик қўрилди.

— Бу йилги қақирув мавсумига пухта ҳозирлик кўрганимиз ўз самарасини бермакда, — дейди туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Бойқўбил Узоқов ЎЗА МУҲБИРИГА. — Харбий хизмат ёшига етган фуқароларга туманимиздаги 289-мактабда «Қақирувчилар кўни» ташкил этилди. У ерда бўлажақ Ватан ҳимоячиларига Қуролли Кучларимизнинг мазмун-моҳияти, давлатимиз раҳбари томонидан харбий хизматчиларга қаратилган эътибор ва гамхўрлик ҳақида тушунтирилди. Фуқаролар йиғинлари раислари билан бирга маҳаллаларда харбий хизмат ёшидаги фуқароларнинг оилавий шароитини ўрганиб, ота-оналари билан суҳбатлашди. Замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган қақирув пунктимизда малакали мутахассислардан иборат қақирув комиссияси ташкил этилди. Улар ёрдамида йиғитларнинг са-

ломатлиги, харбий хизматга тайёрлиги, жисмоний ва интеллектуал салохияти, маънавий дунёқараши танлов асосида синовдан ўтказилиб, энг муносиблари армияга тантанали равишда кузатилмакда.

Бугунги кунда миллий армиямиз сафиди хизмат қилиш, эл-юртимиз тинчлиги ва осоишталлигини, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш, Ватан ҳимоясиди деган шарафли номга муассас бўлиш хар бир йиғит учун нафақат конституциявий бурч, балки олий мақсад ва шарафли ишга айланди.

— Она Ватан ҳимояси учун бел боғлаб, харбий либосини кийиш — хар бир йиғитнинг орзуси, — дейди муддатли харбий хизматга оланган Қаҳрамон Йўлдошев. — Мен танловлардан муваффақиятли ўтиб, Қуролли Кучларимиз сафига қабул қилинганимдан жуда хурсандман. Президентимиз Ислам Каримов Тошкент шаҳрида барпо этилган «Ватанга қасамёд» ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги сўзида ўзининг мустаҳкам иродаси, Ватанга садоқати билан ҳақиқий харамонликка тайёр бўлган харбий ўғлонларга ишончи юксак эканини алоҳида таъкидлади. Юртбошимизнинг ана шу юксак ишонини муносиб бўлишга, халқимизнинг осоишга ва фаровон ҳаёт кеңиршини таъминлашга ҳисса қўишини ўзим учун юксак шараф, деб биламан.

Байрам АЙТМУРОДОВ

Иқтисодиёт СИФАТИГА КАФОЛАТ

Тайёрланаётган маҳсулот сифатининг таъминланиши унинг бозорда муносиб ўрин эгаллашида, харидорини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада юртимизда қўлай инвестицион муҳит боис ҳорижий ҳамкорлар билан шерикликда ташкил этилган корхоналарда ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош, бозор талабларига мос маҳсулотларни мисол келтириш жоиз. «BELTING REZINA» маъсулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона ҳам италийлик ҳамкорлар билан биргаликда ташкил этилган бўлиб, асосий мақсад ички бозорни импорт ўрнини босувчи товарлар билан таъминлашдир.

Корхонанинг ташкил этилганига беш йилдан ошди, шунинг баробарида йилдан йилга маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугунги харидор талабларига мос бўлгани боис ҳам буюртмачилар сафи кенгайиб бормоқда. Корхона цехларида юқори умумли технология линиялар қувватидан фойдаланган ҳолда тайёрланаётган зарур ва керакли маҳсулотлар — турли ўлчамдаги конвейер ленталари, ясси узатма қайишлар, тангенциал ва урчук тасмалари ҳамда бошқалар сифати билан ажралиб туради. Шу боис ҳам улардан халқ ҳўжалигининг турли соҳаларида умумли фойдаланилмакда. Айниқса, бундай рақобатбардош товарлар енгил, озиқ-овқат, тўқимачилик, автомобил-созлик, машинасозлик, мебеласозлик, матбаа, фармацевтика сановатида қўл келаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Корхона тadbиркорлари хар бир буюртмани талаблар даражасида бажараётганили боис ҳам кейинги йилларда йирик компания, нуфузли фирма ҳамда ташкилотлар улар билан ҳамкорлик қилмакда.

Ўтган йилда режадаги ишларни самарали яқунлаган корхона аҳли эндиликда маҳсулот турларини талаблар ўрганган ҳолда кўпайтиришни мақсад қилган. Шунингдек, жорий йилда янги ва мураккаб турдаги қайиш ҳамда транспортёр ленталарини ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган.

ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИЛАДИ

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг иқтисодиётимиз ривожидидаги ҳиссасини таъкидлаган ҳолда, унинг сифатли маҳсулотлар тайёрлашдаги, аҳоли бандлигини таъминлашдаги ўрнини ҳам айтиш лозим.

Уларнинг сафи йилдан йилга кенгайishi ҳисобига иш ўринлари ҳам яратилмакда. Айниқса, қўллаб ёшлар, хотин-қизлар иш билан банд қилинаётгани қувонарли ҳолдир. 2004 йилдан буён фаолият кўрсатиб, ўз маҳсулотлари билан нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам ўрнини топишга интилаётган «МОС ЯН ТЕКС» маъсулияти чекланган жамияти қўшма корхонасида ҳам ўтган йиллар мобайнида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, ишчилар сафи 70 нафардан зиёдни ташкил этмакда. Россиялик ҳамкорлар билан шерикликда иш юритаётган мазкур жамоада бир йиллик ўртача айланма маблағ ҳажми 1.500 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этаётгани, маҳсулотларнинг бир қисми қўшни давлатларга экспорт қилинаётгани қувонарлидир.

— Жамоамиз ахлининг мамлакатимизда тadbиркорлик ривожини, харийий ҳамкорлар учун яратилаётган хар бир имкониятлардан умумли фойдаланаётгани ўз самарасини бермакда, — дейди корхона раҳбари Ақром Хайдаров. — Цехларимиз юксак умумли тарихий дастгоҳ ва машиналар билан жиҳозланган. Маҳаллий хом ашё асосида трикотаж кийим-кечаклари тайёрлаймиз. Моҳир модельер-дизайнерларимизнинг доимий изланишлари боис турли хил моделлар яратилмакда. Энг муҳими эса маҳсулотларимизнинг харидор дид ва талабига жавоб бераётганлигидир. Корхонамизда асосан аёллар меҳнат қилаётганини ҳисобга олган ҳолда уларга барча қўлай шароитларни яратишга интиламиз. Бу эса иш самарадорлиги, маҳсулот сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Тadbиркорлар жорий йилда ҳам буюртмалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, экспортни кўпайтиришни режалаб туришибди. Шунингдек, Баркамол авлод йилида 30 нафар ёшларга ишчи ўринлари яратиш мўлжалланмакда.

ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ

Бозор иқтисодиёти шароитида янгиликка интилиб, ўз ташаббуси билан ҳамиша изланишда бўлган тadbиркорлар бизнес соҳасида муваффақиятга эришиши, шубҳасиз.

Чунки янгилик бор жойда, албатта изланиш, муваффақият бўлади, янги маҳсулотлар, хизматлар тури жорий этилади. Ҳушдор иш — Ташаббус — 2009» кўрик-танловининг Юнусобод туман босқичида «Янги технологиялар бўйича» номинацияси голиби бўлган «STEKLO PLYUS» маъсулияти чекланган жамиятида Хитой технология линияларидан фойдаланган ҳолда ойнага чуқур бадий безак бериш асосида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқарилмакда.

Тadbиркор Иброҳим Мирсаидов раҳбарлик қилаётган мазкур жамоада асосан маҳаллий хом ашёдан фойдаланилади. Ушбу хом ашё Қувасойдан келтирилади ва янги лойиҳаларни қўллаган ҳолда қайта ишланмакда. Тайёрланган безакли ойналардан эса мебеласозлик ва бунёдкорликда фойдаланилмакда.

— Фаолият бошлаганимизга эндигина бир йил бўлди, — дейди корхона директори Иброҳим Мирсаидов. — Лекин анчагина буюртмаларни бажаришга эришдик. Янги-янги дизайнлар устида иш олиб бораётишимиз. Асосий мақсадимиз янада янги технологияларни қўллаган ҳолда маҳсулотнинг рақобатбардош турларини кўпайтириб, ички бозорда муносиб ўрин эгаллашдир. Шарофат БАҲРОМОВА

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Ё рабки, фано базмида хос айла мени, Факр ахлига соҳиб ихтисос айла мени, Ё доҳили зумрайи хавос айла мени Ё ранжи авомдин халос айла мени.

Алишер Навоий девонларидаги юзлаб шеърларда фано ва факр деган сўзга қайта-қайта дуч келинади. «Фано» ҳам, «факр» ҳам мутафаккир бобомиз учун айтиш ёки ёзиш билан тугатиб бўлмайдиган фикр ва тушунча хазинасига ўхшайди. Кўпгина Шарқ шоирлари сингари факр деса, Навоийнинг кўнглида қувонч ва шодлик қанот қоқди, фано деса руҳи яйраб-яшнади.

Навоий фақирлик масаласини қанчалик улуғласа, фано ҳолини ўшанча юқори шарафлади. Бунга асосий сабаб нима? Бу сўзларнинг бир қатор лугатларда изоҳланган мазмунларига асосланиб айтиладиган бўлса, на факрда, на фанода ибрат ва ҳавасга арзигулик ҳаётий бир маъно топилмайди. Масалан, «Навоий асарлари лугати»да фано калимаси: 1.Йўқ бўлиш, тугалиш, ўлиш, бақосизлик. 2.Ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳийга сингиш (тасавуфда) деб изоҳланган бўлса, факр — камбағаллик, йўқсиллик. 3.Дунёдан кечиш дея шарҳланган. Модомики шундай экан, рубоийнинг илк мисрасидаги «фано базми» иборасини оддий шеърхон «йўқолиш, ўлиш, ўзликдан қутулиш» мазмунда англашга мажбурдир. Демак, унинг ниҳоятда Навоий ўз-ўзини ўлимни, тирликнинг умуман бақосизлигини ёқловчи бир шоир кифосида бадаланади. Ёки:

Факр ахлига соҳиб ихтисос айла мени фикрини олайлик. Лугатдаги изоҳга асосланилса, «факр ахли»ни камбағал, қашшоқ, дунёга қўл силтаган кимсалар гуруҳидан бошқа бир жамоа сифатида тасаввур қилолмайсиз. Наҳотки, Навоий ночор, йўқсил одамларнинг энг олдинги қаторида бўлиш ва қашшоқлик билан фахрланиши орзу этган бўлса? Ҳеч қачон бундай бўлмаган ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Камбағаллик ва қашшоқлик инсонни нақадар хору зор айлаб, не-не азобу ўқубатларга гирифторм айлашини Навоий ҳаммадан кўра яхшироқ англаган.

Лекин халқ орасидаги авомлик, нодонлик ва гумроҳлик Навоий қалбига дард қўзғаб, уни эзганлиги — бу рост, албатта. Аслини олганда, мазкур рубоийнинг ёзилишига асосий сабаб ҳам ана шу дарддир. Шоир авом ранжидан халос айлаш учун Оллоҳга илтижо қилиб бири иккинчисига йўл очиб, бири бошқасини қўллаб-қувватловчи уч орзунини изҳор этади.

Булардан биринчиси, фано ҳолида энг баланд даражага кўтарилиб, руҳий шодлик ва фароғатга эришиши:

Ё рабки, фано базмида хос айла мени.

Фано — тасавуфдаги асосий ва ниҳоятда мураккаб истилоҳлардан бири. Мутасаввиф шоирлар уни неча ўнлаб маъноларда қўллаб, бири иккинчисига ўхшашмайдиган, гоҳида эса кескин фарқланадиган мазмунларни илгари суришган. Қадимги тасавуфшунос олимлардан Абу Наср Саррожа кўра, фано ва бақо моҳиятан ўзаро боғлиқ истилоҳлардир. У ёзади: «Фано ва бақо, авом даражасидан хаввос (хос кишилар, маърифат соҳиблари) мартабасига кўта-

рилиши кўзлаган аҳли тавҳиднинг сифатида дахлдор икки номдир. Бошланғичда фано ва бақо истилоҳлари шундай тушунилади: илмнинг ўртага чиқиши — бақо, жаҳолатнинг барҳам берилиши — фано. Қўлнинг ўрганган илми ва маърифат асосида инояти илоҳиятга мушарраф бўлиш туйғусининг воқеланиши — бақо, ўзининг ҳаракатларини кўришдан фоне бўлиш — фано». («ал-Лунъа», 218 б.)

Демак, Навоий кўзда тутган «фано базми» — бу ҳам хулқий покланиш, ахлоқни гўзаллаштириш «тажриба»-си, ҳам илм ва маърифат чўққисини эггаллаш саодати, ҳам тавҳид ҳоли соҳиб бўлишдир.

Буюк шoirнинг: **Факр ахлига соҳиб ихтисос айла мени, —** деган илтижосига келсак, бунинг замиридаги ҳақиқат яна ҳам жозибалироқдир. Аммо тасавуфда бўлгани-



БЕАДАД ФИКР ВА ТУШУНЧА ХАЗИНАСИ

дек, дин ва адабиёт тарихида факр сўзи кўп хато ва нотўғри талқинларга дучор этилганлигини ҳам унутмаслик керак. Умуман, факрда йўқсиллик маъноси бўлгани билан ҳеч бир мумтоз шоиримиз уни қашшоқлик, афтодалик тарғиби учун ишлатмаган. Факр — дарвешнинг ҳеч бир нарсасга боғланиб, тақалиб қолмаслик шуурига кўтарилиши, Оллоҳдан бошқа ҳеч ким, ҳеч нимага муҳтожлик сезмаслиги, деганидир.

Иброҳим бин Аҳмад ҳаввос демиш: «Факр, шараф кийими, пайғамбар либоси, солиҳлар ризқи, мутақийлар тожи, мўминлар зийнати, орифлар давлати, итоаткорлар кўши, гуноҳкорлар зиндонидир. Гуноҳларга қафорт, савобларга пешводир. Факр — даражага юксалтирувчи, мақсадга етиштирувчи эрур. Факр — эзгу амал соҳибларининг шиори, мутақийларнинг йўли ҳисобланади».

Факрнинг шунча сир-асрорини англаган ҳар қанақа киши фақир халқ орасида зўр нуфуз қозонишини орзу қилмай нима қилади? Шу боисдан Шарқ мумтоз шеърининг деярли ҳар бир йирик вақилининг кўнглида факр ишқи жўш урган ва фақирликни шахс камолотининг дахлсиз мақоми ўлароқ эъзозлаган.

Ҳақ ошқилари, дарвеш, ориф, абдол, ахли факр — булар ўтмишда «зумрайи хавос», яъни хос одамлар жамоаси дейилган. Булар ўзларининг гўзал хулқ-атвори, илм-маърифати, айниқса, тўғрилиги, фойз соҳиблиги билан халқ орасида зўр обрў-эътиборга эга

бўлишган. Бундай зотларга тенглашиш камдан-кам кишиларга насиб бўлганлиги учун кўпчилик уларнинг даврасига кўшилиб суҳбатларидан баҳра олишга интилишган. Навоий ҳам буну оломондан ёғилажак азиятдан қутулишнинг бир чораси деб таъкидлаган:

Ё доҳили зумрайи хавос айла мени.

Ҳақиқий рубоий — илм ва маърифат, тафаккур ва мушоҳада шеъри. Рубоийни илм ва мушоҳада киши-си бошқа микёсда тушунади, билими паст, фикр йўли тор кимса ўзга бир тарзда қабул қилади. Айталик, юқорида келтирилган рубоийнинг моҳиятига етиб боролмаган ўқувчи мана бу рубоийдаги маънонинг ҳам мағзини чаколмайди.

Бир айбга гарчи халқ қилғай мансуб, Факр ахлидан изтироб эмастур махсуб.

Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълини ҳуб Кизб эрса, маломат дағи бордур мат-луб.

Бу оламда қандайдир камчилик ёки нуқсондан бутунлай холи бандани учратиш жуда қийин. Хоҳ ёши катта, хоҳ кичик бўлсин, ҳар кимда ўзига яраша бир қусур кўзга ташланиши мумкин. Лекин кўп ҳолларда одамнинг ўзи буну пайқолмайди. Айримлар эса била туриб айбини яширишга, ё тан олмасликка уринишади. Ва охири-охирида зоҳири билан ботини, айтгани билан амали ҳеч мувофиқ келмас, ашаддий қазово, рибқорга айланиб қолишади. Ахир, касални яшириб бўлмаганидек, ёмон хулқ, нафсоний майлларни ҳам хаспўшланишнинг ҳеч илоҳи йўқ; биров кўрмаса уларни бошқа кимдир сезади, кўради. Хўш бундай пайтда нима қилиш лозим? Навоий бу саволга тасавуф қаҳрамонларининг энг пешқадам фақир мисолида жавоб беради. «Фақирлик — менинг фақрим эрур» — Пайғамбаримизнинг бу сўзларига содиқ бўла билган ҳар бир фақир ақли-дрико, камтарлик ва хоксорлиги, нафс «жилови»ни қўлга маҳкам ушлай ола билганлиги билан алоҳида ажралиб турган. Бироқ факр одоби эришилган ахлоқий-маънавий хислатларга бино қўйиш, кўпчилиكنинг муносабатини назарга илмасликни мутлақо маъқулламаган. Навоийнинг рубоийсида таъкидланганича, халқу халойиқ қандайдир айб ёхуд нуқсон юзасидан факр ахлини қоралашса, бундан асло ранжидаслик керак. Фақир таъна-маломатдан эмас, мактовдан чўчиши лозим.

Факр ахлидан изтироб эмастур махсуб. Танқиднинг тўғри ё нотўғрилигини аниқ билиш — бу бўлак масала. Агар қўйилган айб тухмак ва бўхтон бўлмаса, сира оғринмай унга тан бериш ва кечилмаган нуқсондан кечиш зарур. Танқид мабодо ёлгон ва асоссиз бўлсами? Бунинг ҳам оғринмаган томони йўқдир. Зеро, «Маломатда саломат бор» деб бежиз айтилмаган. Бундан ташқари, факр соҳиблари маънавий салтанатни сарҳават, вафо, фано ва ризодан айри кўрмасликка ҳар жоиз:

Ким истаса салтанат, саҳодур анга шарт, Ҳар ваъдаки айласа, вафодур анга шарт. Ким факр талаб қилса, фанодур анга шарт, Олиға неким келса, ризодур анга шарт.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ, филология фанлари доктори

XVI аср — XIX асрнинг биринчи ярмида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қўғирчоқ ўйини ва дорбозлик санъати кенг ривожланди. Қўғирчоқ ўйини икки шаклда бўлиб, биринчисида қўғирчоқлар ипга осилган ҳолда, иккинчисида қўғирчоқлари тарзида намоён этиларди.

Қўғирчоқ ўйини ҳам, дорбозлик санъати ҳам қўшиқчилик асосига қурилган бўлиб, улар томошаларнинг мазмун-моҳияти кўпроқ ашула воситасида жамият ҳаётида тўпланиб қолган салбий ҳолатларни ҳажв остига олиб, танқид қилишдан иборат бўларди.

Хозирги Ўзбекистон ҳудудидаги қўшиқчилик санъатининг ўрганилаётган даврдаги тарихини таҳлил этишда Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» асари ёдгорлик сифатида жуда катта аҳамият касб этади. Асарга кўплаб тарихчилар ва адабиётшуносларнинг бой манба сифатида муружат этишлари ҳам бежиз эмас, зеро, «Шажараи турк» Абулғози Баҳодирхон ижодидагина эмас, балки умуман XVII аср ўзбек маданияти тарихида ҳам улкан ўрин тутади. У бир бадиий китобгина бўлиб қолмай, тарихий манбадир ҳам.

Асарда халқ оғзаки ижодида кенг эътибор берилди. Абулғози Баҳодирхон халқ оғзаки ижодида бой ва ниҳоятда ранг-баранг, чинакам хазина сифатида қарайди. Асарда халқ оғзаки ижодидаги қўшиқлар, лапарлар, бахшичилик санъатининг ўша даврга доир намуналари аниқ мисоллар билан берилдики, булар ўрганилаётган даврда қўшиқчилик санъати анча тараққий этганлигидан далолат беради.

XVI — XIX асрларда Ўзбекистон ҳудудида қўшиқчилик санъатининг ривожланишига бу ўлкадаги ижтимоий-фалсафий фикр ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Шу ўринда XVII-XVIII асрларда яшаб, ижод этган ажойиб

Маданиятимиз тарихини ўрганимиз

Қўшиқчилик асосидаги санъатлар

Ўзбек халқ шоири Турди ҳақида, унинг ижоди хусусида тўхталиб ўтиш жоиздир. У ўзбек шеърининг ижтимоий адолат учун кураш юзларини, оддий халқ кушандаси бўлган золим амалдорлар кирдикорларини фош этувчи янги мавзуларни олиб кирди. Шоир инсонларни адолат ва муруватга чорлар экан, ор-номус, қадр-қиммат ва ҳақиқий шон-шувратгина яхши ва одилона ишлар саналиши мумкинлигини таъкидларди. Халқ, ўз навбатида, Турдининг шеърларини қўшиқ қилиб қуйларди.

Бобораҳим Машраб (1657-1711) ижодида ҳам шу нуқтаи назардан қараш тўғри бўлади. Машраб байтлари оддий халқ орасида қўшиқ қилиб қуйланди, улар меҳнаткаш омма маънавий турмушида муҳим ўрин эгаллади.

XIX аср бўсағасида Хоразм, Кўкча ва Тошкентда қатор таникли мусиқачи созандавлар, бастакор ва қўшиқчилар майдонга келдилар. Чунончи, Хивада Комил Хоразмий тахаллуси билан Паҳлавон Ниёз Мирзабоши Муҳаммад бошчилигида қўшиқчи ва мусиқашуносларнинг йирик гуруҳи пайдо бўлди. Бундай гуруҳлар аста-секин Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам пайдо бўла бошлади. Улар қўшиқчилик илмини ривожлантирган бўлсалар, аниқ пайтда ушбу санъат турининг амалий жиҳатларига ҳам муҳим аҳамият бердилар.

Ўрганилаётган даврда ўзбек қўшиқчилик санъатининг ривожланиши, аввал таъкидлаганимиздек, изчил давом этади. Чунончи, XIV-XVIII асрларда мусиқа ҳақида яратилган рисолаларда мусиқанинг асосий усуллари 17-24 тани ташкил этади. Мусиқий адабиётда эса улар аслида бундан ҳам кўп эди.

Шу тариқа Ўрта Осиёда қўшиқчилик санъатининг ривожланиши жараёни белгиланган йўналишлар юзига кела бошлади. Аввало Бухорода ўзбек ва тожик қўшиқчилик аъёнларининг алоқалари тўғрисида шашмаком тизини ривожланди. Аста-секин мақомларнинг Хоразм ва Фарғона-Тошкент йўллари тараққий эта бошлади.

Қўшиқчиларнинг назмий негизини IX-XIX асрларда яратилган мумтоз шеърят ташкил этади. Аниқ пайтда, диний мазмундаги шеърларни қўшиқ қилиб айтиш ҳам авж олди. Мақом санъати ўзбек ва тожик мусиқий аъёнларининг бир-бирига яқинлашуви билан янада зўрроқ ижтимоий кучга эга бўла бошлади.

Мақомлар, ўз навбатида, халқ мусиқаси таъсирида фольклор ривожига ва умуман ўтмишнинг мусиқий меросига ижобий таъсир қилди. Айниқса, бу даврда халқ-профессионал қўшиқчилик усули — дostonлар ва халқ оғзаки ижодига асосланган катта ашуларлар ҳам тез ривож топди.

Аъёнларнинг қўшиқчилик санъати ҳокимлар ва хон саройларидан ташқари, кенг халқ оммаси орасида ҳам жуда ардоқли бўлган. У миллий мусиқа созлари жўрлигида чойхона, халқ сайиллари, тўйлар, қўғирчоқ театри, дорбозлар, қизқичлар томошалари пайтда майдонларда, халқ удумлари ва расм-русумлари бажарилганда янграган.

Ўзбекистонда қўшиқчилик санъати тарихини халқ мусиқа созлари пайдо бўлиши ва тақомиллашшини ўрганишдан туриб таҳлил қилиб бўлмайди. Маълумки, мусиқа созларининг вужудга келиши инсоният тарихининг энг қадимги даврларига бориб тақалади. Кейинги босқичларда эса улар доимий равишда тақомиллашди, янги шакллarga эга бўлиб, улардан фойдаланиш самараси ошди. Олимлар ва шоирлар ҳам ўз асарларида бундай мусиқа созларига катта эътибор бердилар. Масалан, уларнинг асарларида чанг (анқироғи чанг) энг кўп тарқалган соз сифатида қайд этилади.

XVI-XVII асрлар ёзма ёдгорликларига асосланиб, шундай хулосага келиш мумкинки, бу даврда Ўрта Осиё халқ мусиқа созларидаги ижрочилик маданияти ўз камолотига этди. Ўзбек халқ мусиқа ижрочилиги аниқ чоғда уларни ҳам мусиқа асарлари яратганлар. Ўша пайтдаёқ моҳир чанг, уд, гижжак, қонун, най, танбур, бўламон ижрочилари ва етуқ хонандалар бўлган, улар ўзига хос дасталар тузишган. Шунингдек, яққалон ижрочилик ҳам ривожланган.

Восифий ўз «Воқеалар»ида ажойиб ижро услубини ўйлаб топган чолғучи Ҳожи Абдулла Марварид номи-ни келтиради. У басталанган қуй ва қўшиқлар халқ орасида кенг тарқалган. Восифий шунингдек, Ҳасан Най, Қул Муҳаммад Удий, Аҳмад Фижжакий, Али Қучоқ Танбурий каби созандавлар номларини ҳам қайд этади. Шундай қилиб, XVI-XVII асрлар тасвирий санъатида илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалувчи мусиқа созларининг асосий турлари барқарорлигини тасдиқловчи бой материал берилган.

Ҳожиабкар ҲАМИДОВ, тарих фанлари доктори, профессор

Буюк мутафаккир, ғазал мулканин султони

Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси асрлар оша башариятни ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик, олижаноблик, ҳалоллик, ростгўйлик сингари эзгу гоёларга даъват этиб келмоқда.

Тадбирлар

Ўқувчилар маҳоратларини кўрсатишди

Айни кунларда улуғ алома Алишер Навоий таваллуди бутун мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланмоқда. Жумладан, 2-Республика тиббиёт коллежидан аъёна тусига кирган «Алишер Навоий — мангу барҳаёт» мавзусида буюк мутафаккир ижодини чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўткир зехнлилар мушоираси бўлиб ўтди. Кечани коллеж директори Миржамол Адилов кириш сўзи билан очар экан, алома бой адабий меро-

сининг бугунги кундаги аҳамияти, унинг ижодида илгари сурилган эзгу гоёлар, ёшларни ана шу бебаҳо ижод намуналаридан баҳраманд этиш зарурлигини таъкидлаб ўтди. Шундан сўнг коллежнинг «Ҳамширалик иши» бўлими талабалари ва 130-134 гуруҳ ўқувчилари ўртасида ўткир зехнлилар мушоираси бўлиб ўтди. Мушоира шартлари — саломлашиш, Алишер Навоий ижоди бўйича савол-жавоблар, баҳру-байт, сахна кўриниши

бўйича «Навоий» ва «Зул-лисонайн» гуруҳи аъзолари ўз билим ва истеъдодларини намоён этдилар. Айниқса, ўқувчилар томонидан ижро этилган «Гули ва энага» сахна кўринишлари, Гули монолоҳи йиғилганлар эътиборини тортиди. Қизқарли ўтган бу мушоира кечаси ўқувчилар қалбига унутилмас таассурот қолдирди.

Насиба МУҲИБОВА, 2-Республика тиббиёт коллежи ўқитувчиси

АДАБИЁТ ҲАФТАЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Юртимизда миллий меросимизни қайта тиклаш, кўз қорачигидек асраб-авайлаш, ундан халқимиз, айниқса ёш авлод маънавиятини юксалтиришда кенг фойдаланиш, йигит-қизларни умрбоқий аъёна ва қадриятларга ҳурмат-эҳтиром руҳида камол топтириш масаласига устувор аҳамият берилмоқда. Ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол гоёларига садоқат, она Ватанга муҳаббат каби эзгу фазилатларни мустаҳкам қарор топтириш, уларда фидойилик, ҳалоллик сингари олижаноб фазилатларни шакллантиришда Алишер Навоийнинг бую маънавий мероси алоҳида аҳамиятга эга.

Бобокалонимизнинг илмий-ижодий меросини ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ этишда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси муҳим ўрин тутади. 5 февралдан 11 февралгача давом этадиган навоийхонлик ҳафталигидан кўзланган мақсад ҳам шоирнинг олтин меросидан ёшларни кенг баҳраманд этишдир.

Кутубхонамизда Алишер Навоий асарларининг инглиз, немис, араб, рус ва бошқа хорихий тиллардаги нашрлари ҳам кўп, — дейди ЎЗА муҳбирига Ёшлар ахборот-ресурс маркази раҳбари Л.Горбунова. — Асарларида инсонпарварлик, дўстлик, бағрикенглик, аҳиллик каби умумашарий эзгу гоёлар тараннум этилган Алишер Навоий мероси бутун башариятнинг маънавий мулкидир. Шу боис шоир ижодида қардош тилларда таълим олувчи талаба-ёшлар, турли миллат ва элат вакиллари, чет эллик олимлар, мутахассисларнинг ҳам қизиқиши катта.

Адабиёт ҳафталиги доирасида олимлар, адиблар иштирокида адабий кечалар, ижодий анжуманлар, мушоиралар, янги китобларнинг тақдими ўтказилади. Навоий ижодини ўрганишга оид кўрик-танловлар, викториналар ўқувчи-ёшларнинг билимини бойитиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ҳафталикнинг илк кунинда Навоийнинг бадиий асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.

1992 йили давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидан талабалар халқаро иқтисодий муносабатлар, халқаро ҳуқуқ ва халқаро муносабатлар факультетларида тахсил олади. Шу кунга қадар университетдан уч мингдан зиёд малакали мутахассислар етишиб чиқди. Ушбу ўқув муассасаси Жанубий Корея, Хитой, Япония, АҚШ, Германия, Франция, Нидерландия, Россия, Буюк Британия каби давлатларнинг етакчи таълим ва илмий тадқиқот институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2010-2011 ўқув йилида 260 талаба мазкур университетни тамомлайди.

Ярмаркада иш ўринлари тақлиф этувчилар университети битирувчилари билан мулоқотда ўз муассасаларида ходимлар учун яратилган шарт-шароит ва им-

кониятлар, кадрларга қўйилган талаблар ҳақида маълумот берди. — Банкмизда мазкур университетнинг 11 нафар битирувчиси ишлайди, — дейди «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг бўлим бошлиғи Насиба Ёқубова. — Жорий йилда яна 14 битирувчини ишга олишни режалаштирганмиз. — Аъёнларнинг тарзда ўтказиб келинаётган мазкур ярмарка университетимиз битирувчиларининг бандлик даражасини оширишга катта хисса қўшаётир, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг халқаро ҳуқуқ факультети битирувчиси Омила Аҳмаджонова. — Биз, ёшларга қаратилган бундай улкан эътибор, яратилаётган барча зарур имкониятлар ва кўрсатилган гамаҳурликдан миннатдормиз.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА муҳбири

2010 йил — Баркамол авлод йили

БИТИРУВЧИЛАРНИНГ МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидан меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда университет битирувчилари, профессор-ўқитувчилари, шунингдек, иқтисодиёт, энергетика, савдо, ҳуқуқ, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари, божхона, солиқ, банк-молия, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат каби соҳаларда иш ўринлари тақлиф этган етмишга яқин вазирилик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар вакиллари қатнашди.

Тадбирда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида юқори малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларнинг қўшма инсон бўлиб етишиши учун зарур шарт-шароит яратиш, аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмининг касб, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётгани

алоҳида қайд этилди. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирилик Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар

энг муҳим масалаларга — янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилди. 2009 йили мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ ҳойларда ташкил этилди. 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланмоқда.

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЯНГИ СПОРТ МАЙДОНЧАСИ БУЊЕД ЭТИЛДИ



Яқинда Учтепа туманидаги «Кўхна Чўпон ота» маҳалласида янги спорт майдончасининг барпо этилиши наинки маҳалла ёшлари, балки унда истиқомат қилаётган барча аҳолини бирдек хушнуд этди.

— Ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни соғлом, етук, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда спорт муҳим аҳамият касб этади, — дейди «Кўхна Чўпон ота» маҳалласи фаоли Низомидин Исабоев. — Маҳалламизда қад ростлаган ва «Чемпион» номи билан аталган мазкур спорт майдончасининг очилиш маросими ҳақиқий байрам тантанасига айланади кетди. Айниқса, маҳалла ҳудудига истиқомат қилувчи ёшларнинг қувончини айтмай-сизми. Президентимизнинг ёш авлодга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлиги жорий йилнинг Баркамол авлод йили деб номланишида яна бир бор

тасдиғини топди. Бинобарин, шаҳримизнинг ҳар бир масканида азият чекаётган кишилар сони 140 миллион нафардан зиёддир. Шулардан 144000 тасида, яъни 7 фоизда ўлим ҳолати, 95100 тасида эса ногирон бўлиб қолганлик қайд этилган. Дунёдаги барча касалларнинг 4 фоизини қандли диабетга чалинганлар ташкил этади. Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш, унга чалинмаслик чораларини кўриш афзал, албатта. Бинобарин, яшаш тарзи мез-ёрларининг бузилиши, овқатланиш тартибига риоя қилмаслик, қутилмаган асабзўрарлик, стресс ҳолатлари, наслий асоратлар ва бошқа омиллар қандли диабетнинг пайдо бўлишига олиб келишини ҳисобга олиш лозим. Қандли диабетга чалинган беморларда асосан чанқайиш, оғиз кўриши, тез-тез пешоб бўшаши, озиш каби аломатлар кузатилади, айрим беморларда эса ўхшаш клиник белгилар намойён бўлмаслиги ҳам мумкин. Мазкур вазиятда касалликни тиббий таҳлиллар йўли билангина аниқлаш мумкин. Одатда инсон организмидеги қон таркибидеги қанд миқдори 5,5 мм/лн ташкил этади, бундан юқори кўрсаткич, табиийки, қандли диабетга чалинганликдан дарак беради. Шифокор қабулига 70 ёшли бемор қандли диабет аломати — чап оёқ биринчи бармоғи гангрени билан келди. Беморнинг айтишича, ўзининг қандли диабетга чалинганлигини сезмаган. Бир пайтлар оғиз кўриши ва чанқаш ҳолатлари бўлган, лекин у шифокорга мурожаат қилмаган. Бемор чап оёқ бармоғининг

властитал» акциядорлик жамияти ўн икки миллион сўм миқдорда бегараз ёрдам кўрсатди. Фурсатдан фойдаланиб, уларга ҳам маҳалламиз фуқаролари номидан чексиз миннатдорчилик билдириб қоламиз. Дарҳақиқат, асосан баланд қаватли уйлардан ташкил топган «Кўхна Чўпон ота» маҳалласида «Чемпион» номи янги спорт майдончасининг ташкил қилиниши кекса-ю ёшнинг спорт билан шуғулланишига қулай шaroит яратиб бермоқда. Бинобарин, халқ саломатлиги, ёшлар



баркамоллиги йўлида бунёд этилаётган бундай спорт майдончаларининг тобора кўпайиб бориши қувонарли ҳолдир.

Гулчехра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: «Чемпион» спорт майдончаси очилишидан лавҳалар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ ҚОНУНИ БОСИТИЙ

Огоҳлантириш. Билмоқ керакки, қорин ва ичакларнинг тўла вақтида риёзат қилиш мумкин бўлмагани каби бағоят очлик ва меъданинг бутунлай бўш пайтида ҳам кучли риёзат мумкин эмас. Шунинг учун Шайх «Тўқлик ҳолда риёзат қилиш очлик ҳолда риёзат қилишдан яхшироқдир», — деганлар. Ваҳоланки, тўқликда риёзат мумкин эмас экан, демак Шайх наздида очликдаги риёзат ундан ҳам ортиқ мумкин эмас.

Ҳақим Букрот: «Инсонда очлик юз берган вақтда меҳнат билан шуғулланиш сазовор эмас», — деган. Демак, маълум бўлдики, Букротнинг наздида ҳам очлик ҳолдаги риёзат мумкин эмас.

Демак, билмоқ керакки, риёзат учун энг яхши вақт меъдадаги овқат тўлиқ ҳазм бўлишга етишган вақтдир. Зўр меҳнат ва узокроқ муддатга чўзиладиган риёзат учун муносиб вақт меъда хануз ҳазм бўлмаган овқат боқий турган вақтдир, токи риёзатнинг охириги қисми очлик вақтга тўғри келишдан омон бўлсин.

Фойда. Билмоқ керакки, риёзат қилиш учун риёзат қилувчининг холи муносиб бўлиши шарт бўлгандек, риёзат вақти ҳам фаслга қараб мўътадил вақтда бўлиши шартдир. Риёзат қилувчининг холи риёзатга муносиб бўлиши шук, у одам хоҳ иссиқ мизожли, хоҳ совуқ мизожли бўлсин, бирок ҳўл мизожли бўлиши шарт. Агар қуруқ мизожли киши бўлса, хусусан, қуруқ ва иссиқ мизожда бўлса, унинг учун риёзатдан эҳтиёт бўлмоғи лозим. Шунинг учун айтадилар: «қуруқ ва иссиқ мизожли киши риёзат қилса, аскар вақтда иссиқ ва қуруқ мизожли касалликларга дуч келади. Агар ўша риёзатни тарк этса касалдан тўзалади».

Шунингдек, ҳар бир фаслда мўътадил вақтда риёзатга киришлик шартдир. Масалан, баҳор фаслида кун ўртасида, яъни туш пайтида риёзат қилиш муносибдирки, иссиқ ва совуқликда мўътадил бўлган вақтдир. Аммо ёз фаслида куннинг аввал вақтида риёзат муносибдир. Вақт жиҳатидан куннинг аввали ва охирининг ҳар иккиси мўътадилдир. Бироқ кайфият жиҳатидан куннинг охирига нисбатан аввал вақти совуқроқ бўлади. Чунки кечанинг совуқлиги хануз боқий бўлиб, тамом йўқ бўлмаган бўлади. Агар қиш фасли бўлса, риёзат учун тўсиқ бўлмаса, куннинг охири вақти муносиброқдир. Чунки кундуздаги қуёшнинг таъсири тўлиқ йўқ бўлмаган бўлиб, мўътадилга ақинроқ бўлади. Агар кеч вақтда фурсат бўлмаса ёки бирор тўсиқ бўлса, бу тақдирда куннинг аввал вақтида ёки кечаси қиладиган жойни бироз иситиб, сўнг риёзатга киришса бўлади.

Аммо қайси вақтда риёзат учун энг муносиб ва мўътадил вақт куннинг ўртаси бўлса ҳам, бирок бу вақт овқат ейиш учун махсус вақт бўлиб, овқат ейишдан аввал меъда бўш бўлади. Егандан кейин эса овқат ҳазм бўлмаган вақт бўлади. Бу икки ҳолатда ҳам риёзат қилиш мумкин эмас.

Яна риёзат қилиш учун зарур шартлардан бири риёзат миқдорига амал қилишдир. Бу борада учта нарсани эътиборга олиш лозим. Бири шук, баданинг рангига қараш керак, агар бадан рангига покизалик ва тиниклик бўлса бу риёзат вақтидир. Иккинчиси ҳаракатга қараш керак, агар ҳаракатда хурсандлик, хошиш ва энгиллик бўлса бу риёзат вақтидир. Учинчиси шук, аъзоларга қараш керак, агар аъзо хануз тўла ва сўлимаган бўлса бу риёзатнинг вақтидир.

Қанчонки айтилган ҳолатларда нуқсон бўлса, риёзатнинг охиригида кўп терласа бу вақтда дарҳол риёзатни тўхта-тиш керак. Аммо риёзатнинг аввалида бадандан чиқадиган озорқ тер бу ҳужуддан ташқаридир. Чунки чиққининг тарқаш ва баданинг тозаланишидан умид қилганган фойдали тер шу тердирки, риёзатни тўхташтиришга боис эмас. Риёзатдан пайдо бўладиган тер икки хил бўлади. Бири шук, бадан юзасига яқин бўлган қонлиқлар ҳаракатдан пайдо бўлган иссиқ сабабли эриб, сув ҳолига келади ва бадан тешикларидан чиқиб кетади. Бу тер фойдали ва айни муддаодир. Иккинчи хилдаги тер шук, ички аъзолар риёзатнинг ҳарорати билан қизиб, унда мавжуд бўлган асл зарурий сувоқликлар буг бўлиб, бадан юзасига тарқалади. Бадан юзасига яқин келганда тери остида буг холидан яна сувлик ҳолига айланиб, тери тешикларидан тер бўлиб чиқади. Бу нарса чиққини бўлмай, балки бадан учун зарур бўлган асл сувоқликдан ҳосил бўлгани учун катта зарарни пайдо қилади. Демак, бу терга навабт ет-ганда дарҳол риёзатни тарк этиш керак.

Фойда. Билмоқ керакки, бадан ичида буг бўлган асл сувоқлик бадан юзасида яна сувга айланишига сабаб шук, «Ташриқ жилд» (Тери анатомияси) ботида айтилгандек, тери асаблардан иборат жисмдир. У бадандаги пайлар ва томиларнинг энг охири бўлган нафис терлардан тўқилган. Демак, асабдан иборат жисмининг мизожли сувоқ бўлиши ва ташқаридаги сувоқ ҳавода таъсирланади. Демак, унга етишган бугга ҳам сувоқлиги таъсир этади ва бугни сув ҳолига ўзгартиради. Маълумки, сувли бугга таъсир қилса дарҳол сувлик ҳолатга келади. Чунки, «Боби арқон» (руқнлар боти)да «Емгир фасли»да муфассал баён бўлди.

Сўнгги иккинчи тернинг аломати шук, биринчи хил тер чиқиб, тўхтаган ёки энгиллашганидан сўнг машаққатли меҳнатда сўнг иккинчи хил тер чиқади ва бу пайтда чарчаганлик аломатлари ҳам зоҳир бўлади. Шу пайтда меҳнатдан тийилиш керак, токи зарур бўлган асл сувоқликлар тарқаб кетмасин ва баданда ориқлик ва иситма юз бермасин. Шу нарсанинг эҳтиёти учун табиблар риёзатдан сўнг баданга ёки суртишнинг буюрланган. Чунки терлаш билан баданда қуруқлик пайдо бўлган бўлса, ёғ билан бадан яна ҳўл ва мулоийм бўлади. Яна тери остида чиққинди моддадан бироз қолган бўлса, у ҳам тарқаб кетиши учун далл, яъни бадани уқаланиши буюрланган.

(Давоми бор) Маҳмуд ҲАСАНИЙ тайёрлаган

Мирзо Улуғбек туман тиббий ёки бирлашмаси жамоаси Марказий кўп тармоқли поликлиника бош шифокор ўринбосари Дилором Мирвалиевна МИРСАГАТОВАНИНГ вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихзор этади.

Газетанинг навбатдаги сони 10 февралда чиқади.

Мутахассис огоҳлантиради

ҚАНДЛИ ДИАБЕТДАН САҚЛАНИҲ

Бугунги кунда дунё аҳолисининг саломатлигига таҳдид қилаётган касалликлар, афсуски, талайгина. Айниқса қандли диабет дардига чалинган беморлар сонининг ортиб бораётгани ташвишланарли ҳолдир.

оғриғи азоб бергандагина шифокорга келган. Оқибатда бемор зудлик билан шахар 1-клиник шифохонасига юборилди ва бу ерда жароҳлик амалиёти бажарилди. Афсуски, бемор мазкур муолажадан кейин ҳам ўз вақтида даволашни чораларини кўрмади, белгиланган парҳезини сақламади, шифокор тавсияларини бажармади, инсулин билан эмлангани амалга оширмади. Натигада йиллар ўтиши билан беморнинг ўнг оёғи ҳам безовта қила бошлади. Қондаги қанд миқдори 16 мм/лгга кўпайиб кетгани боис у кома ҳолатига тушиб қолди. Бундай вазиятда жароҳлик амалиёти ҳам наф бермас эди ва бемор дунёдан кўз юмди.

Бу ҳодисани келтиришимиздан мақсад шук, ҳар бир инсон маданиятининг узвий қисмлари бўлган турмуш маданияти, саломатлик маданияти қоидаларига ҳам қатъий риоя қилиши лозим. Зеро, қандли диабетга чалинган беморлар ўзи яшаб турган жой поликлиникасида диспансер рўйхатига олиниб, доимий назоратда туриши шарт. Айниқса, ай-

рим беморларнинг шифокор тавсияларини бажармаслиги, парҳез тутмаслиги, белгиланган муолажаларни ўз вақтида олмаслиги гоё ачинарли ҳолдир. Оқибатда ҳаёт учун ўта хавфли асоратлар юзага келиб, аломатлари ривожланади.

Қурраи заминнинг гавҳари бўлиши инсониятнинг миллионлаб вакиллари ҳаётига таъвозу қилаётган қандли диабетга чалинмаслик чораларини кўриш, ушбу дардни ўз вақтида даволашга, унга қарши курашишга интилиш юртдошларимиз саломатлик маданиятининг таркибий қисмига айланиши мақсадга мувофиқ, албатта. Зеро, жаҳон ва замон андозалари даражасида яшашга, меҳнат қилишга интилаётган эканмиш, турмуш тарзимиз ҳам, маданиятимиз ҳам юқори даражада бўлмоғи даркор. Бу омил эса ёруғ истиқболни, баркамол авлодлар этиштиришни таъминлашнинг энг ишончли гаровидир.

Зайниддин НОРМАН, 58-оилавий поликлиника шифокори, тиббиёт фанлари номзоди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидега ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

1. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБ томонидан, 05.12.2009 йилдаги №27996-97/12 ижро ҳужжатида асосан, Тошкент ш. Ҳамза т. Кўламил кўчасида жойлашган, умумий майдони 384 кв.м., 8 та яшаш хонасидан иборат бўлган, 96-уй қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 56 260 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан, 26.11.2009 йилдаги №0914/14960 ижро ҳужжатида асосан, «Maximum Savdo Rivoj» МЧЖга тегишли, Тошкент ш. У.Носир кўчаси, 2-уйда сақланаётган, «FOTON Auman» русумли, 2009 йилда и/ч, д/р йўқ автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 100 996 000 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 16 март кун соат 11:00да бўлиб ўтади. Талабгорлар диққати! Юқоридаги мулклар 2010 йил 16 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 6 апрель кун бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдоси юзасидан барча маълумотларни 228-79-52 телефон рақами ёки биржалнинг www.rkmb.uz расмий вебсайти орқали олишнгиз мумкин.

Шунингдек, 2010 йил 2 март кун соат 11:00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига такроран, Учтепа тумани СИБ томонидан, ЖИБ Учтепа судининг 30.04.08 йжро ҳужжатида асосан, Учтепа т. Халқа йўли, 20-уйда сақланаётган, «Камаз-5320» русумли, д/р 10AR388 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 9 546 255 сўм.

Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан туман суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхталади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИИН: 200933850., Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

бўлади. — Ричард, — дейди Шекспир, — сен жуда кеч келдинг. Босқинчи қалъани забт этиб бўлди.

Машҳур драматург Бернард Шоу Ницше фалсафаси таъсирида «Мафусаилга қайтиш» деган пьеса ёзди. Асар кўригидан сўнг у томошабинларга эғлиб таъзим қилади. Шу маҳал қутилмаганда гулдурас қарсақлар баробарида юқоридаги ўриндиқда ўтирган бир томошабин жаҳл билан хуштак чалворади.

Шоу юқорига қарайди, қўлини чўзиб бандан овоз билан хитоб қилади: — Мен ҳам шунақа фикрдаман, дўстим. Аммо иккимиз мана бу қарсақболарга қарши нима ҳам қила олардик!

Кунлардан бир кун Тристан Бернар ҳаваскор бир драматургнинг пьесаси кўригидега қатнашаётган эди.

Иккинчи кўриниш пайтида машҳур драматург ўтирган жойга муаллиф келиб сўрайди: — Маэстро, сизга пьесам ёқптими?

— Менга гўё ташқарида челақлаб ёмғир ёғаётганга ўхшайпти. — Тушунмадим, нега энди? — Ахир шу пайтгача залдан ҳеч ким чиқмади-ку!

Шодмон ОТАБЕК тайёрлади

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИДАН

Америкада Чарли Чаплинга тақлид қилувчи артистларнинг танлови ўтказилади. Голливудда ўтказилган ана ўша танловга Чаплининг ўзи ҳам яширинча келиб қатнашди. Танлов комиссияси мусобақа натижасини эълон қилганда Чаплининг бор-йўғи... учинчи ўринни эгаллагани маълум бўлади.

Альберто Сордининг атрофини муҳлислари қуршаб дастхат олаётганди. Уларнинг орасини аранг ёриб ўтган бир кекса хоним машҳур артистдан илтимос қилади: — Сынор Сорди, сиз қарияларга ҳам дастхат берасизми?

— Албатта, — дейди Сорди жилмайиб. — Аммо қани ўша қария?

Парламент биносида бўлиб ўтган маҳкама йиғилишидан чиққан бош вазир Макдональд Чаплинни учратиб қолади.

— Нима ишлар қилиб юриб-сиз? — деб сўрайди Макдональд. — Янги фильм ҳақида ўйлаб юрибман. Узингиз-чи? Чамаси, сиз ҳам зўр бир томошани тайёрлаётганга ўхшайсиз. Шундай эмасми?

— Эҳтимол, — дейди бош вазир жонлиниб. — Аммо биз сив-

сатчилар сизларга ўхшаб ҳар бир сахна ва сценарийни обдон ўйлаб ўтирмаймиз!

— Мана шунинг учун ҳам сизларнинг пьесанинг томошабинларга ёқмади, — дейди Чаплин.

Машҳур киноартист Брижитт Бардодан бир журналист сўрайди: — Ҳаётингизда қайси кунни энг ажойиб эди дея olasиз?

— Энг ажойиб кун...тун эди.

Кунлардан бир кун Вильям Шекспир ўзининг «Ричард 111» пьесаси кўригидега актёрлардан бирининг ўшина, чиройли бир хизматкор қиз билан қизин қаймоқлашиб турганини кўриб қолади. Бехитёр уларга яқинлашганда қизнинг гапларини эшитиб қолади: — Соат ўнда келиб, эшикни уч марта тақиллатасан, «Ким у?» деганимда сен «Ричард 111» деб жавоб берасан.

Шекспир аёлларга анча ишқибоз эди. Келишилган вақтдан анча олдин боради ва қиз билан учрашади.

Келишилган вақтда халиги актёр ҳам келади. Шекспир дераза тирқишидан секин сўрайди: — Ким у?

— Ричард 111, — деган жавоб

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почтамити»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнгиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбوع акциядорлик компанияси Босмаҳонаси, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4203 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2